

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**330** Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан хорижий  
валютадаги тушумни мажбурий сотиш тартибига  
ўзгартириш киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Янги ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилувчи ихтисослаштирилган «Ўзагро-экспорт» ташқи савдо компаниясини ташкил этиш тўғрисида» 2016 йил 7 апрелдаги ПҚ–2515-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 29 июндаги 245-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 6-сон, 33-модда) билан тасдиқланган Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан хорижий валютадаги тушумни мажбурий сотиш тартибига 1-илова матни қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

**«Микрофирма ва кичик корхоналар томонидан экспорт  
қилишдан тушган хорижий валютани сотиш  
мажбурий бўлган товарлар  
РЎЙХАТИ**

Т/р	Товарлар номи	ТИФ ТН коди
1.	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари*	0701 — 0709, 0714, 0801-0802, 0803 10 100 0, 0803 90 100 0, 0804 10000 1, 0804 20100 0, 0804 30000 1, 0804 40000 0 — 0804 50 000 1, 0805, 080610, 0807 — 0810, 1202
2.	Ёввойи ўсимликлар**	12 (1202 дан ташқари)
3.	Табиий газ***	2711 21
4.	Мис ва мисдан тайёрланган буюмлар	74, 8544

\* Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилишдан тушадиган валюта тушумининг 50 фоизи сотилиши мажбурий.

\*\* Ёввойи ўсимликларни экспорт қилишдан тушадиган валюта тушумининг 25 фоизи сотилиши мажбурий.

\*\*\* Шу жумладан транзит».

2. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ

**27 (735)-сон**

**— 11 —**

**330-модда**

хўжалиги махсулотларини қайта ишлаш ҳамда истеъмол товарлари масалалари ахборот-таҳлил департаментига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2016 йил 1 июль,  
225-сон